



«ЎзРТХБ» АЖ акциядорларининг
2023 йил 24 ноябрдаги навбатдан
ташқари умумий йиғилиши қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKA
ТОВАР – ХОМ АШҲО БИРЖАСИ
АКСИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
У С Т А В И

(ЯНГИ ТАҲРИР)

Тошкент – 2023 йил

**I. БИРЖАНИНГ НОМЛАНИШИ,
ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ**

1.1. «Ўзбекистон республика товар – хом ашё биржаси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият ёки Биржа деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва 1994 йил 2 апрелдаги Таъсис шартномасига мувофиқ ташкил топган.

1.2. Биржанинг тўлиқ расмий номи:

ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «**O‘zbekiston respublika tovar – xom ashyo birjasi**»
aksiyadorlik jamiyati;

ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «**Ўзбекистон республика товар – хом ашё биржаси**»
акциядорлик жамияти;

рус тилида – **Акционерное общество «Узбекская республиканская товарно – сырьевая биржа»**

инглиз тилида – **Joint – Stock Company «UZBEK COMMODITY EXCHANGE»**

Биржанинг қисқартирилган расмий номи:

ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «**O‘zRTXB**» **AJ;**

ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «**ЎзРТХБ**» **АЖ;**

рус тилида – **АО «УзРТСБ»**

инглиз тилида – **JSC UZEX**

1.3. Биржа юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мулкка эгаллик қилади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятларга эга бўлиши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. Биржа ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга.

1.5. Биржа ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Биржа ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалок муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

1.6. Биржа номуайян муддатга тузилган бўлиб, давлат рўйхатидан ўтган пайтидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади. Биржа фаолияти ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда берилган лицензия асосида амалга оширилади.

1.7. Биржа ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мулкки билан жавоб беради. Акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Биржа ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмасдир.

1.8. Биржа ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, ушбу Устав ва Биржа бошқарув органларининг қарорлари асосида амалга оширади.

1.9. Биржанинг почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100090, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77 уй.**

1.10. Биржанинг электрон почта манзили – **info@rtsb.uz**, жамиятнинг веб-сайти **www.uzex.uz**.

II. БИРЖА ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ

2.1. Биржа фаолиятининг мақсади ва соҳаси қуйидагилардир:

олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошқора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун зарурий шарт – шароит яратиш;

биржа савдоларини ташкил этиш ҳамда талаб ва таклифнинг ҳақиқий нисбатини аниқлаш асосида биржа товарларининг нархларини чиқариш орқали биржа товарларининг бозорини яратиш;

кўргазма – ярмарка савдолари, электрон аукцион савдолар ва бошқа электрон савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш.

2.2. Устав мақсадларига эришиш учун Биржа қуйида келтирилган вазифалар ечимини таъминлайди:

Биржа аъзоларига савдо залидан, биржа савдоларининг ягона электрон тизимидан, зарур маълумотлардан фойдаланиш, ҳамда профессионал фаолият учун зарур шароитларни яратиш;

талаб ва таклиф нисбатлари асосида биржа товарлари нархларининг котировкасини амалга ошириш;

Биржа аъзолари ва уларнинг мижозларининг биржа фаолияти давомида юзага келган келишмовчиликларни қонунчилик ва Биржанинг локал ҳужжатлари асосида ҳал қилиш учун кўмаклашиш;

Биржа товарлари билан операцияларни амалга оширувчи мутахассислар малакасини ошириш учун шароит яратиш бериш;

босма ёки бошқа турдаги оммавий ахборот воситаларини чиқариш йўли билан Биржа фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборот фаолиятини амалга ошириш;

Биржа томонидан ташкил этиладиган электрон савдоларнинг технологияси ва усулларини такомиллаштириш;

Биржа товарлари бозорининг инфраструктураси ривожланишига кўмаклашиш;

Биржа фаолияти мақсадига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.3. Биржа қуйидаги асосий принциплар асосида иш юритади:

Биржа савдоларининг ошқоралиги ва оммавийлиги;

Биржа савдоларида нархлар шаклланишининг эркинлиги;

Биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги;

тузилган Биржа битимлари бажарилишининг таъминланиши;

Биржа барча аъзоларининг Биржа савдоларида қатнашиши учун шароитларнинг тенглиги, ҳамда биржа битимларининг фақат олдиндан маълум бўлган жой ва вақтда ташкил этиладиган биржа савдоларида тузилиши.

Биржа савдоларининг асосий принципларига риоя қилиниши Биржа савдоси Қоидалари ва Биржа бошқарув органлари қарорларини давлат томонидан тартибга солиш чоралари билан уйғунлаштириш орқали таъминланади.

2.4. Ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун Биржа:

Биржа товари билан бевосита операцияларни амалга оширадиган Биржа аъзолари ва мутахассисларига қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;

амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ва Биржанинг локал ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда янги аъзоларни қабул қилади ва амалдагиларини чиқаради;

Биржа ва бошқа электрон савдоларни ташкил қилади, Биржа савдоси Қоидалари ва бошқа ўз локал ҳужжатларини ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Биржа товарларини Биржанинг котировкалаш варағига киритган ҳолда Биржа савдоларга қўйиш тартибини ишлаб чиқади;

Ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, бўлинмалар ва бошқа тузилмаларни ташкил қилади;
арбитраж, листинг, интизом ва бошқа Биржа комиссияларини ташкил этади;
ҳужжатларнинг Биржа операцияларини амалга оширишда қўлланиладиган стандарт шакллари ишлаб чиқади;
зарур ҳолларда ўз филиал ва ваколатхоналарини ташкил этади;
кўрсатилган хизматлар учун биржа йиғимлари ва бошқа тўловларнинг миқдорини аниқлайди;

Биржа аъзолик бадаллари миқдорини белгилайди;
мазкур Устав, биржа савдоси Қоидалари ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатлари бузилганлиги учун жарима ва пеняларни белгилайди ва ундиради;

Биржанинг фаолияти характеридан келиб чиқадиган консултацион, ахборот ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатади;

ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади;

Биржа фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳар қандай вазифаларни амалга оширади.

2.5. Биржа мустақил равишда молиявий – хўжалик фаолиятини режалаштиради, хўжалик муносабатларини танлашда ҳамда битим тузаётган томонларнинг қонунчиликка мувофиқ жавобгарлигини белгилашда эркиндир.

2.6. Биржа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қила олади.

2.7. Қонунчиликка мувофиқ лицензия олинishi талаб қилинадиган фаолият турлари, Биржа томонидан тегишли лицензия олинганидан сўнггина амалга оширилиши мумкин.

III. БИРЖА УСТАВ ФОНДИ

3.1. Биржанинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Биржа томонидан чиқарилган барча акцияларнинг номинал қиймати тенгдир.

3.2. Биржанинг устав фонди унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Биржа акцияларини сотиб олган ва акциядорлар реестрига киритилган ҳар бир шахс «акциядор» деб аталади ҳамда ушбу Уставдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

3.4. Биржа Устав фонди **47 223 804 600** (қирқ етти миллиард икки юз йигирма уч миллион саккиз юз тўрт минг олти юз) сўм миқдорида белгиланган бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати **630 сўм** бўлган **74 958 420** дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялардан ташкил топгандир.

3.5. Биржа жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда **27 720 (йигирма етти минг етти юз йигирма)** дона эълон қилинган оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар жойлаштиришга ҳақли.

IV. БИРЖА УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а) Биржанинг Устав фондини кўпайтириш

4.1. Биржа Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Биржанинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш ва ушбу Уставга устав фонднинг кўпайтириш ҳамда биржанинг эълон қилинган акциялари сонини

камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.3. Биржанинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда ушбу Уставга тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилаётган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларнинг жойлаштирилиши муддатлари ва шартлари белгиланиши лозим.

4.4. Қўшимча акциялар фақат эълон қилинган акцияларнинг Биржа Устави билан белгиланган сони доирасида жойлаштирилиши мумкин.

б) Биржанинг Устав фондини камайтириш

4.5. Биржа Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Биржа томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.6. Биржа Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтириш акциядорлар Умумий йиғилишининг тегишли қарори билан амалга оширилади.

4.7. Устав фондини камайтириш ва Биржа Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.8. Биржанинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг Умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.9. Биржа устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Биржанинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Биржадан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

V. БИРЖА ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

5.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш ва Биржани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

5.4. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.5. Биржанинг қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатга олиш, жойлаштириш, ҳисоб – китоб қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

5.6. Биржа бир дона акциясининг номинал қиймати **630 (олти юз ўттиз) сўмни** ташкил этади.

5.7. Биржа ўз акцияларини очик ёки ёпиқ обуна воситасида жойлаштиради.

5.8. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.9. Биржа томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш муддати уларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.10. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

VI. БИРЖА АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Биржа акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Биржа акциядорларининг реестрига киритилиш;

инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидаги депо ҳисобварағидан ўзига таалукли кўчирма олиш;

Биржа фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Биржа тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Биржанинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;

Биржа акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;

акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.

Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

Амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда акциядорлар – овоз берувчи акциялар эгалари Биржадан ўзларига тегишли бўлган акцияларнинг барчасини ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилишга ҳақли.

6.2. Биржа томонидан акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

6.3. Биржа томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эргали бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

6.4. Биржа акциядорларининг мажбуриятлари:

мазкур Уставда кўзда тутилган тартибда, миқдорларда ва усулларда акциялар тўловини амалга ошириш;

мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда Биржани бошқаришда иштирок этиш;

Биржа бошқарув органлари қарорларига қонунчилик доирасида бўйсиниш ва ижро этиш;
Биржа фаолияти ҳақида махфий маълумотларни ошкор этмаслик.

Ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини хабардор қилиш;

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт.

Миноритар акциядорлар Биржа ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Биржа бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслик.

6.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

VII. БИРЖАНИНГ ЗАҲИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Биржа ўз Устав фондининг **15%** (ўн беш фоиз) дан кам бўлмаган миқдорда заҳира фондини ташкил этади.

7.2. Биржанинг заҳира фонди унинг мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Биржа соф фойда қийматининг 5% миқдоридаги йиллик ажратмаларни заҳира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар амалга оширади.

7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Биржанинг заҳира фонди Биржанинг зарарлари ўрнини қоплаш, Биржанинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Биржанинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.4. Агар заҳира фонди қисман ёки тўлиқ сарфланган бўлса, йиллик ажратмалар тикланади.

7.5. Биржа ривожлантириш, инновация ва бошқа фондларни ташкил этишга ҳақли. Ушбу фондларни ташкил этиш ва улар ҳақида йўриқномаларни тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади. Биржанинг заҳира, ривожлантириш, инновация ва бошқа фондларига ажратмалари соф фойданинг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак.

VIII. БИРЖА АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЪЗОЛИКНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ, БИРЖА АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Биржа аъзолари бўлиб Биржа томонидан ўрнатилган тартибда биржа савдоларида қатнашиш ҳуқуқини олган ва ихтиёрий равишда мазкур Устав, Биржанинг локал ҳужжатлари, ҳамда Биржани бошқариш органларининг қарорларини бажариш мажбуриятини олган юридик шахслар бўлиши мумкин.

Биржа томонидан ўрнатилган тартибда тақдим этилган биржа савдоларида қатнашиш ҳуқуқи зиммасига мазкур Устав ва Биржанинг биржа аъзолари билан муносабатларни тартибга соладиган локал ҳужжатларига амал қилиш юклатилгандир.

Юқорида кўрсатилган юклатилиш Биржа томонидан савдоларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этиш сўзсиз ҳуқуқи ҳақида далолат беради, бу эса ўз навбатида Биржа аъзолари мазкур Устав ва Биржанинг локал ҳужжатларини бузганликлари ҳолларида Биржа аъзолигидан чиқариб юборган ҳолда ўша ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда олиб қўйилишини англатади.

8.2. Биржа аъзоси бўлишга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек таъсисчиларидан ёки ходимларидан бири биржанинг ходими ёки уларнинг яқин қариндошлари бўлган юридик шахслар ҳақли эмас.

8.3. Биржа аъзоси бўлиш учун юридик шахслар Биржанинг «Ўзбекистон республика товар – хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш қоидалари» да кўрсатилган ҳужжатларни Биржага тақдим этиши лозим.

8.4. Биржа аъзолиги учун топширилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш муддатлари ва шартлари Биржанинг «Ўзбекистон республика товар – хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш қоидалари» да ўрнатилади.

8.5. Биржа аъзолигига қабул қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, шунингдек аъзоликдан чиқариш Биржа бошқаруви томонидан мазкур Уставда, Биржанинг «Ўзбекистон республика товар – хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш қоидалари» ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

8.6. Биржа аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Биржа фаолияти, унинг кўрсатадиган хизматлари рўйхатини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

Биржа кўрсатадиган хизматлардан фойдаланиш, биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ҳужжатлар билан, ҳамда ўзлари амалга ошираётган битимларга тааллуқли ва Биржа томонидан қонунчилик талабларига мувофиқ чоп этиладиган маълумотлар билан танишиш;

Биржа савдоларида қатнашиш ва биржа битимларини тузиш;

Биржа комиссиялари фаолиятида иштирок этиш;

Биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

Биржа аъзолари қонунчиликка, мазкур Уставга ва биржа савдоси Қоидаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.7. Биржа аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, Биржа савдоси Қоидалари ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатларига риоя этиш;

Биржанинг котировкалаш варағига киритилган биржа товарлари савдосини амалга ошириш;

Биржанинг котировкалаш варағига киритилган товарлар бўйича биржадан ташқари бозорда олди-сотди шартномаларини тузмаслик;

мижозлар талабига биноан уларга Биржа аъзолигини олган санаси ва унинг тартиб рақами тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

мижозга унинг манфаатларини кўзлаб тузилган битимлар, шунингдек унинг топшириқлари бажарилиши билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиш;

мижоз билан шартнома тузилаётганда уни биржа савдоси Қоидалари ва ҳисоб – китоб – клиринг хизмати кўрсатиш шартлари билан таништириш;

мижоз ҳисобидан тузилган биржа битимларининг алоҳида ҳисобини юритиш;

тижорат сирини сақлаш ва ўз мижозлари, контрагентлари ва Биржа ҳақида махфий маълумотларни, қонунчиликда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, ошкор этмаслик;

Биржанинг савдоларни ташкил қилиш бўйича кўрсатган хизматларига ва бошқа хизматларга ўз вақтида ҳақ тўлаш, Биржанинг локал ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа тўловларни амалга ошириш;

Биржа технологияларини, ахборот тизимларини ривожлантиришга ва брокерларнинг иш жойларини жиҳозлашга мўлжалланган аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;

Биржани бошқариш органлари ва комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларига бўйсиниш ва ижро этиш;

ўз миждлари манфаатларини кўзлаш ва ишбилармонлик этикаси принципларига риоя этиш;

Биржа томонидан уларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бериш;

Биржани ўз вақтида жойлашиш манзили (яшаш жойи) ва бошқа реквизитларининг ўзгарганлиги ҳақида хабардор этиш;

ўзларининг ноқонуний ҳаракатлари учун Биржа ва ўз миждлари олдида мулкый жавобгарликни амалга ошириш.

Биржа аъзолари шунингдек қонунчиликка, мазкур Уставга, биржа савдоси Қоидаларига ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.8. Биржа аъзолари Биржа, унинг бошқа аъзолари ҳамда ўз миждларига етказган зарарлари бўйича тўлиқ мулкый жавобгардирлар.

8.9. Биржа аъзолигини тўхтатиб туриш ва тугатиш ихтиёрий ва мажбурий равишда амалга оширилади.

8.10. Биржа аъзолигини ихтиёрий равишда тўхтатиб туриш ва тугатиш биржа аъзосининг аризаси асосида амалга оширилади.

8.11. Биржа аъзолигини мажбурий равишда тўхтатиб туриш Биржа томонидан олти ойгача муддатда амалга оширилади.

8.12. Қуйидагилар биржа аъзолигини мажбурий равишда тўхтатиб туриш учун асос бўлади:

брокерлик ўрни ва трейдерларнинг автоматлаштирилган иш жойлари учун тўловларини Биржанинг локал ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ва муддатларда тўламаслик;

биржа аъзолари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, биржа савдоси Қоидалари ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатлари талабларини бажармаслик ёки бузиш;

ўз ҳаракатлари билан Биржага зарар етказиш ҳамда Биржа ва унинг аъзоларининг ишчанлик обрў-эътиборига путур етказиш.

8.13. Алоҳида ҳолларда биржа аъзоси ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар Биржа унинг аъзолигини мажбуран тўхтатиб туриши мумкин, жумладан:

Биржанинг ваколатли ходимига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича ички назорат натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш;

Интизом, Арбитраж ва Биржанинг бошқа комиссиялари қарорларини бажариш;

Биржа аъзоси фаолият юритаётган савдо майдончасининг аккредитацияси тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги туфайли, бошқа савдо майдончаси ёки Биржа филиалига ўтказиш тўғрисида Биржа аъзоси томонидан ариза берилиши.

8.14. Биржа аъзолигини тўхтатиб туриш Биржанинг «Ўзбекистон республика товар – хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш қоидалари» тартибида амалга оширилади.

8.15. Биржа аъзоларининг аъзолиги қуйидаги ҳолларда мажбурий равишда тугатилади:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда биржа аъзоси (юримдик шахс) тугатилганда ёки банкрот деб эълон қилинганда;

биржа аъзоси сифатида ўз фаолиятини 6 ойдан кўп амалга оширмаганда (аъзоликни тўхтатиб туриш ҳолатлари бундан мустасно);

мазкур Уставнинг 8.13. бандида келтирилган ҳолатлар тақдорланганда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Устав ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра.

IX. БИРЖА ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Биржанинг хўжалик фаолияти натижасида топилган даромади Биржа ихтиёрида қолади ва Биржа фаолиятига, уни кенгайтириш ва такомиллаштиришга боғлиқ харажатларни қоплашга, фондларни шакллантиришга ва Биржа акцияларига дивидендларни ҳисоблашга ишлатилади.

9.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Биржа эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

9.3. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.4. Биржа молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли, агар амалдаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Биржа Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Биржа Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

9.6. Дивидендлар Биржанинг ўз тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9.7. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги керак.

9.8. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Биржа акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.9. Биржага етказилган зарарлар, бундай зарарларни етказган шахслар томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда қопланади.

9.10. Биржа қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Биржада банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Биржада шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Биржа соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса. Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, Биржа ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

9.11. Биржа тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

X. БИРЖА БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бошқарув) Биржанинг бошқарув органларидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Биржанинг юқори бошқарув органидир.

10.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Биржа кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Биржа кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.4. Биржа ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказиши шарт.

Биржа акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили март - май ойларида оралиғида ўтказилади.

10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Биржанинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (*агар мавжуд бўлганда*) сайлаш тўғрисидаги, Биржа ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Биржанинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Биржанинг йиллик ҳисоботи, Биржа ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Биржани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора – тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Биржа Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.7. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Биржа уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки унинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш масалаларидан ташқари ҳолларда;

Биржани қайта ташкил этиш;

Биржани тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Биржа Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Биржа Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Биржанинг устав фондини эълон қилинган акцияларнинг миқдори доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш (Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш масалаларидан ташқари ҳолларда);

Биржанинг Устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

Биржанинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Биржа ижроия органини тузиш, унинг раҳбари ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш, ёллаш), Биржа ижроия органини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Биржа Бошқаруви фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

Биржанинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

Биржанинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Биржани ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Биржанинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш. Дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

Биржа Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (*агар мавжуд бўлганда*) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Биржани бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Биржа Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (*агар мавжуд бўлганда*) хулосаларини эшитиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда Биржа томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Биржанинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес – жараёнлар ва лойиҳаларнинг Биржа ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш;

«Ички назорат тўғрисида»ги, «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги, «Манфаатлар қарама – қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Биржанинг ички Низомларини тасдиқлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароитини яратиш;

Биржа маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда);

Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Биржанинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

Биржа мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тўзиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этиш. Бунда Биржанинг йиллик молиявий ҳисоботлари ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилиниши Биржа Кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади;

қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.8. Мазкур Устав ва қонунчилик билан кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар ҳал этилиши учун Кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Биржанинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок

этаётган Биржа овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Мазкур Уставнинг 10.7. бандидаги **иккинчи – тўртинчи, олтинчи, ўн олтинчи ва йигирманчи** хатбошиларида кўрсатилган масалалари бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.10. Биржа овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Биржанинг молия йили тугаганидан кейин **90 (тўқсон) кундан** кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Биржа Кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Биржа Кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

10.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

10.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

10.13. Биржа акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакиллари Биржа Бошқарувини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 (йигирма бир) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Биржанинг расмий веб – сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.16. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.17. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Биржа Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Биржа овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.18. Биржа овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Биржа Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида ёки йиғилишни чақиритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

10.19. Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар махсус масалалар бўйича аудиторлик текшируви акциядорга ўз ҳуқуқларини амалга

ошириш ёки таъисчилар ёки бошқа шаслар томонидан қонун ёки устав талабларини бузиш орқали Биржа ёки акциядорга зарар етказиш ҳолатларини тўғри аниқлаш учун тегишли жараёнларга риоя қилган ҳолда (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) махсус масалалар бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

10.20. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.21. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Биржанинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

XI. БИРЖА КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Биржа Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустаснодир.

11.2. Биржа Кузатув кенгаши Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлайди, Биржа ривожланиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари стратегияси ва режаларини белгилайди ҳамда акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши ҳақида»ги Низомда белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади.

11.3. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Биржанинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилади.

Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби Биржанинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

11.4. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг Умумий йиғилиши қароридан белгиланади.

11.5. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Биржани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўғрисида Биржа ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Биржа фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65 – моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Биржа акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 59 – моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, агар бундай масалаларни ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган бўлса;

мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Биржа бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ҳамда уларнинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсларни тайинлаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

Биржанинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш. Бунда Биржанинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши ёки маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва «Ички аудит хизмати тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Биржа ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Биржа Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Биржа Тафтиш комиссияси аъзоларига (*агар мавжуд бўлганда*) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Биржанинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Биржанинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш, шунингдек Биржа филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Биржанинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Биржанинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Биржанинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Биржа устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш ва ушбу Уставга устав фондини кўпайтириш ҳамда Биржанинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Биржа томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек Биржанинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (**ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш**) нархини белгилаш;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Биржанинг веб – сайтида ошкора этилишини таъминлаш);

Биржа Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Биржа ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

«Ахборот сиёсати тўғрисида низом» ги Низомни тасдиқлаш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назорат қилиш;

Биржа Бошқаруви, ички назорат органлари ва Биржада ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Биржа ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

Биржа Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимларига танловлар регламенти тасдиқлаб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади;

Биржа савдоси қоидаларини тасдиқлаш;

Биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш;

Биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

Биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;

аъзолик бадалларининг ва Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини белгилаш;

тузилган Биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;

Биржа Бошқаруви томонидан тижорат банкларида иккиламчи банк ҳисобрақамларини очиш ва пул маблағларини жойлаштириш юзасидан киритилган масалаларни кўриб чиқиш;

Биржа кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни, қоида тарикасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўриб чиқиш;

Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Биржа Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Биржа Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.6. Биржа Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланадилар. Биржа Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби **9 (тўққиз) кишидан** иборат, бунда **1 (бир) киши** кузатув кенгаши таркибига киритиладиган **мустақил аъзо** ҳисобланади.

11.7. Биржанинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.8. Биржада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, унинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Биржа кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

11.9. Биржа Кузатув кенгашининг раиси Биржа кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Биржа Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Биржа Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.10. Биржа Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.11. Биржа Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан ўз ташаббусига кўра, Биржа Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларининг, шунингдек Биржанинг **1 (бир)** фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг **етмиш беш фойзини** ташкил қилади.

Биржа кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Биржа кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Биржа ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.13. Биржа кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Биржа кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Биржа кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Биржа кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.14. Биржа Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас.

11.15. Биржа Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Биржа Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Устав белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

11.16. Биржа Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

11.17. Биржа Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Биржа Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.18. Биржа Кузатув кенгаши аъзолари Биржа ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.19. Биржага зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Биржа Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.20. Биржа Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган «Биржа Кузатув кенгаши тўғрисида» ги Низомида белгилаб қўйилади.

XII. БИРЖА ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)

12.1. Биржанинг кундалик фаолиятини бошқаришни Биржанинг ижроия органи – Биржа ишини ташкил қилувчи Бошқаруви амалга оширади.

12.2. Биржа ижроия органи Биржа акциядорлари Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорини бажарилишини ташкиллаштиради.

12.3. Биржа ижроия органининг ваколатига Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.4. Биржа бошқаруви акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан уч йилга сайланадиган (тайинланадиган) **5 кишидан** иборат. Сайлангандан (тайинлангандан) сўнг бошқарув раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозими бўйича вазифаларини бажаришга уч йил муддатли шартнома тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Биржа номидан шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс томонидан имзоланади.

Биржа бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

12.5. Бошқарув аъзолари мазкур Устав, лавозим йўриқномалари, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг, бошқарувнинг қарорлари ва бошқарув раисининг кўрсатмалари билан белгиланадиган ваколатлар доирасида иш юритадилар.

12.6. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари:

ўз ваколатлари доирасида Биржанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

Биржа ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

Биржа ходимларидан Биржада ўрнатилган ички тартиб – қоидаларга амал қилишни талаб қилиш.

12.7. Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари:

ўз ваколатлари доирасида Биржани самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;

акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарувнинг қарорлари ижросини таъминлаш биржа савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинишини таъминлаш;

биржа савдоси Қоидалари ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатларини тасдиқлинишини таъминлаш.

12.8. Бошқарув ишига раис раҳбарлик қилади. Бошқарув раиси Биржанинг умумхўжалик ва молиявий фаолиятини таъминлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг, бошқарувнинг қарорлари бажарилишини ташкиллаштириш, мазкур Устав, акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши қарорлари ва «Биржа бошқаруви ҳақида»ги Низомга асосан белгиланган ваколатлари доирасида иш юритишга мажбур.

12.9. Бошқарув раиси ва аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Биржа бошқаруви ҳақида»ги Низом ва улар билан имзоланадиган шартномаларда белгиланади.

12.10. Бошқарув Биржа фаолиятининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш учун чақирилади. Бошқарув мажлисларининг ўтказилишини бошқарув раиси ташкиллаштиради. Бошқарув 3 кишидан кам бўлмаган ҳолда масалаларни ҳал этишга ҳуқуқлидир.

Бошқарув қарорлари мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлис натижалари қарор кўринишида қабул қилинади ва мажлисда қатнашаётган барча аъзолари томонидан имзоланади.

12.11. Бошқарувнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

Биржа соф активлари қийматининг 15% гача бўлган миқдорини ташкил қилувчи мулкни Биржа томонидан олиш ва бошқа шахсга бериш битимларини амалга ошириш;

Биржа мулкни ҳисобдан чиқариш;

фойда ва харажатларнинг тасдиқланган сметалари доирасида мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

Биржа аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш;

Биржа савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

Биржанинг локал ҳужжатларини тасдиқлаш;

Биржа ва (ёки) Биржа аъзолари ўртасидаги низоли вазиятларни ҳал қилиш;

Биржа савдоси Қоидалари ва Биржанинг бошқа локал ҳужжатлари бузилганлиги учун жарима ундириш;

Биржада бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Биржанинг расмий веб – сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Биржа фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Биржанинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Биржанинг Кузатув Кенгаши ёки Биржа аудитори талабига кўра тақдим этиши;

акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бошқа масалалар.

12.12. Бошқарув раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

Биржанинг самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари;

акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш;
Биржанинг шартмавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

Биржа фаолияти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун зарур бўлган даромад олишни таъминлаш;

Биржанинг бизнес – режа ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Биржа фаолиятини юритишда қонунчилик талабларига риоя этишни таъминлаш;

Биржа бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва баённома (қарор) ларини имзолаш, Биржа номидан ҳужжатларни имзолани ташкил этиш;

Биржа Кузатув Кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

Биржа номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

банкларда миллий ва чет эл валютасида ҳисоб рақамларини очиш (тижорат банкларида иккиламчи банк ҳисобрақамларини очиш бундан мустасно) ва Биржанинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Ўзининг ваколатлари доирасида, Биржа мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади, шунингдек шартмавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;

Биржа ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Биржанинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

Биржа таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

Биржани малакали кадрлар билан таъминлаш, Биржа ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;

Биржа ходимларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;

Биржа ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

Биржанинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Биржанинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Биржа Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Биржанинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Биржанинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Биржа Бошқаруви томонидан белгиланади,

шунингдек хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Биржа ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

Биржа шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

Биржа филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;

Биржанинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

Биржа номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Биржа Кузатув Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

Биржа акциядорларининг Умумий йиғилишида ва Кузатув Кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;

манфаатлар қарама – қаршилиги юзага келиши тўғрисида кузатув кенгашини хабардор қилиш;

бизнес хатарлари ва Биржа Бошқаруви жавобгарлигини суғурталаш;

Биржа таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакиллари Биржа номидан овоз бериш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Биржа ички ҳужжатларига риоя қилади.

Биржа Бошқарув раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Биржанинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.13. Бошқарув ўз фаолиятида Биржа ривожланиши ва фаолиятининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, бизнес – режаларни, илғор технологияларни жорий қилиш, биржа савдолари самарасини ошириш мақсадидаги «ноу – хау» ва қўшимча даромад олиш масалаларининг қўйилиши ва ҳал қилинишини кўзда тутмоғи лозим.

12.14. Биржа Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Биржа манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.15. Биржа Бошқарув раиси ва аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

12.16. Биржа Бошқарув раиси ва аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Биржа бизнес – режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Биржага келтирилган зарари сабабли у билан тузилган меҳнат шартнома Биржа Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.17. Агар Биржа бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Биржага зарар етказилган бўлса ва бунда Биржа бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Биржанинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Биржанинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

XIII. БИРЖАНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

а) Ички аудит хизмати

13.1. Биржанинг молиявий – хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун ички аудит хизмати ташкил этилган. Ички аудит хизмати Биржанинг Кузатув Кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

13.2. Ички аудит хизмати Биржанинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, мазкур Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб – таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Биржани бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Биржанинг ижроия органи, шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Биржага тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

13.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

б) Аудиторлик ташкилоти

13.4. Аудиторлик ташкилоти Биржа билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Биржанинг молия – хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

13.5. Аудиторлик ташкилоти Биржанинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Биржа олдида жавобгар бўлади.

в) Корпоратив маслаҳатчи

13.6. Биржада корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи, Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади. Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XIV. БИРЖА САВДОСИ ҚОИДАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

14.1. Биржа савдолари Қоидалари Биржа томонидан мустақил равишда ёки четдан мутахассисларни ёхуд ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади, Биржа Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

14.2. Биржа савдолари Қоидаларида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

Биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом;

Биржа аъзоларининг Биржа савдоларида иштирок этишига рухсат бериш тартиби;

товарларни Биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиби;

Биржа битимларининг турлари;

Биржа савдоларида муомалада бўладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) тавсифи;

тузилган Биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт – шароитлар яратиш тартиби;

Биржа савдоларини ўтказиш тартиби;

Биржа битимларини ва Биржа савдолари натижаларини рўйхатга олиш ҳамда расмийлаштириш тартиби;

клиринг ва ҳисоб – китобларни амалга ошириш тартиби;

Биржа товарларини котировкалаш (уларнинг нархини белгилаш) тартиби;

Биржада нархларнинг шаклланиш жараёни устидан назорат қилиш тартиби;

Биржа савдолари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартиби;

Биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар;

Биржада низоларни ҳал этиш тартиби.

Биржа савдоси қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

XV. БИРЖАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Биржани қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Биржани қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Биржанинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Биржа қуйидаги ҳолларда тугатилади:

акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

15.5. Биржани тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.2. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.3. Биржанинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2023 йил 27 мартда рўйхатга олинган Биржа Устави ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

**«Ўзбекистон республика
товар – хом ашё биржаси»
акциядорлик жамияти
Бошқарув раиси**

Бадриддинов З.Б.